

Бир-икки ойдан бери «Зарафшон» газетасида тил бирлаштириш тўғрисида мубохаса бўлиб турадур. Бу эски масалани янгидан кўзгатувчи ўрток Носирали бўлди. Бу зот барча турклар учун умумий адабий тилнинг тарафдори бўлса-да, ўзи бу ҳақда тублик бир чора ва йўл кўрсата олмайдур. Бу масалага карши бўлгон ўрток Бектош эса, кўб шеваларга бўлиниб кетган турк тилини бирлаштириш мумкин эмаслигини исбот этмакчи бўлиб, бир оз далиллар ҳам келтирадур.

Менимча, бу масала канча муҳим бўлса, ўшанча кийиндир. Курук тилак ёки бир неча мақола билан бу огир ва мушкул масалани ҳал этиб бўлмайдур. Бу иш мумкин бўлгон тақдирда ҳам, буни вужудга чиқариш учун кўб куч ва кўб замонлар керакдур. Холбуки, унча куч ва у қадар фурсат ҳали бизда йўқдур. Хозирда бизнинг олдимизда тил бир-лаштириш масаласидан неча қатла муҳимрак масалалар кўбдирким, унинг биринчиси маориф ва халқни оқартиш масаласидур.

Мана, бошлаб шу муҳим масалани ҳал этиш ва бор кучимизни шу йўлда сарф қилиш керак эди. Албатта, бу ишга ҳам тил масаласи зўр рўллар ўйнайдур. Модомики, бир халқ ичида маориф тарқатиш халқнинг ўз она тили билан бўладур, биз ҳам халқимизни оқартиш учун ўзбек тилига аҳамият берсак лозимдур. Яъни ўзбекча тилни ўзбеклар англайлик бир ҳолга қўйишимиз керакдир. Бу иш эса табиий тил бирлашдиришга ҳилоф бир ҳол бўлиб қоладир. Шунинг учун умумтурклар учун муштарак адабий бир тил вужудга чиқармок масаласини кўзгатиш биз учун хануз вақтсиз, ҳам фойдасиз бир ишдур.

Чунки дунёдаги 70 миллион турк учун муштарак адабий бир тилни вужудга чиқариш, менимча, турк шеваларидан бирини асос тутуб ўрта бир ҳолга қўйиш билан мумкин бўладурким, бу эса авом тили бўлмай, ёлғуз хавос тили бўлиб қолур. Чунки ўрта туркча шевасида ёзгон бир китобни бир оз илмлик зиёли синф ўқуб англай олса-да, лекин хат-саводлик авом синфи тегишлик даражада ўқуя олмайдур. Шунинг учун тил бирлашдириш мақсади яна ҳосил бўлмай қоладур.

Марҳум Исмоилбек ўзининг «Таржумон» газетаси билан тил бирлашдириш тўғрисида 25 йил фикр тарқатди. Бу муддатда Русия мусулмонлари орасида ўзига тарафдорлар ҳам топди. Лекин тажриба натижасида бу ишнинг мумкин бўлмаслик даражада кийинлиги кўруна бошлади. Тотористондаги баъзи «тавҳиди лисон»чилар ўзлари маъқул кўрган ўрта туркча шевасини қўйиб содда тоторча ёзишга мажбур бўлдилар. Тўғриси, уларни муҳитнинг ўзи халқтилига ёзишга мажбур этди.

Туркистонда «тавҳиди лисон»чиларнинг биринчиси, маним билганимча, мархум Бехбудий эди. Бехбудий афанди мактаб учун бир неча рисоласини (тил бирлаштиришга хидмат қилсун деб) ўртарок шевада ёзишга тиришди. Бу мақсадни асарларининг мукаддимасида ҳам ёзиб ўтди. «Самарканд» газетасида ҳам шу мақсадни таъкиб этди. Хатто «Ойна» мажмуасининг биринчи йилида ҳам боёғи фикридан қайтмади. Бу тўғрида Бехбудий афанди билан баъзаи мубохаса қилишар эдик. Мумкин қадар халқ тушунарлик даражада содда ўзбекча ёзининг кераклигини айтар эдик. Лекин ул ҳеч қабул қилмас эди.

Бехбудий афанди айтар эди: «Хар нарсанинг тараққий қилишидек тилнинг ҳам юксалиши лозимдур. Ўзбек тилининг юксалиши туркча (усмонлича)га яқинлашиши билан бўладур. Биз ўзбекчани шу йўл билан юқори кўтарсак, турклар ҳам ўз тилларидан мумкин қадар форсча ва арабча сўзларни чиқарсалар, шунинг билан ўрта бир шева майдонга чиқиб тил бирлашиш вужудга чиқар».

Бехбудий афанди умрининг охиригача шу фикридан қайтмагандек кўрунган бўлса ҳам, лекин ўзи бора-бора соддарок ўзбекча ёза бошлади. Бу эса «Ойна» мажалласининг иккинчи жилдида ёзгон мақолаларидан билинадур.

Мен бу сўзлар билан тил бирлаштиришга қарши эканлигимни билдирмакчи эмасман. Мен ҳам шу ишнинг вужудга чиқишини истайман. Лекин бўлиши гоё кўб шароитга мувофиқ бўлгон бундай бир ишнинг орқасиндан овора бўлиб юришни ҳозирча вақтсиз деб биламан. Менга қолса тил бирлаштиришдан кўра ҳозирда ўз тилимиз бўлгон ўзбекчани халқимизга қулайроқ тушунтира олушлик даражада соддалашдириш лозимдир. Ўзбекча сарф-наҳв ва назариёти адабиялар тузиш, тугал лугат қитоблари ёзиб, босдириш зарурдур.

Тоторларнинг тил ва адабиёт мутахассисларидан ўртоқ Заки Валидий «Бизнинг йўл» журналида тил ҳақида яхшигина бир мақола ёзгон. Валидий ўртоқ мақоласининг бир ўрнида тил бирлаштириш тўғрисида бир неча сатр ёзиб ўтган. Мавзумизга мувофиқ бўлғони учун унинг сўзларини бунда кўчиришни фойдалиқ билдик:

«Ҳозирги кунда турк-тотор халқларидек маданиятда яёв бўлгон халқтарнинг олдида, тилларини бирлаштиришдан кўбрак тилни халққа яқинлаштириш, уни кенг ўлчовда

маориф куроли этиб тутиш турадур. Халк ўқумишлик, ҳам маданиятлик бўлса, унга ўзига махсус адабий тил вужудга кетириш учун соннинг унча кўб бўлиши керак эмас. 5-6 миллионлик голландиёлилар тилларининг немисчага жуда якин бўлишига карамасдан, уни ўзларига махсус адабий тил холида саклаб келадилар. Ўшандок лотиш, грузин, арман каби халкларнинг ҳам ўзларига махсус бойгина адабиётлари бор.

Халкларнинг энгил англашишлари, ҳам маданиятда кенг олиш-бериш килишда, албатта, тилларнинг якинлиги жуда муҳим омил бўлур. Лекин бунинг учун тилларнинг бутунлай бирлашишлари лозим эмас. Якинликлари кифоя этадур. Хозирги Ёвропо тилларининг, айниқса уларнинг бир оиладан бўлгонларининг (масалан гермон, румон ҳам исловиён тилларининг) бирини билгач, иккинчисини билиш жуда энгилдир.

Эхтимол, бир вақт бир-бирига якин тургон тиллар бутунлай бирлашарлар. Эхтимол, бутун дунёдаги тилларнинг бирлашиши учун бошлаб шундай якин бўлгон тилларнинг бирлашишлари керакдир. Лекин хали бу буқуннинг масаласи эмас, буни биз техниканинг юриш, аралашиш асбобининг ҳаёлларга келмаган равишда тараккий этиши ва шунинг орқасида хозирги ижтимоий муносабатларнинг тор-мор бўлиши натижасида кўрамиз».

Валидий ўртокнинг «Турк-тотор тилларининг ёзилиши» сарлавхалик бу муҳим мақоласининг бошлари журналнинг ўтган сонларида босилгон эканким, маалтаассуф, уларни кўролмадим. Тил ва адабиёт билан машғул бўлгон зотларга ўшал мақолаларни топиб ўқишларини тавсия этаман.

*«Зарафшон» газетаси, 1924 йил, 7 февраль*